

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 297 (091)
К-150

КАРИМОВ АБДУМАННОН КЕНЖАБАЕВИЧ

**ДИНИЙ МУТААССИБЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ,
ЗАМОНАВИЙ ҚЎРИНИШЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ АСОСЛАРИ
(ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)**

24.00.01 – Диншунослик

Тарих фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2012

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори, профессор
Исломов Зоҳиджон Маҳмудович

Расмий оппонентлар: сиёсий фанлар доктори, профессор
Мунавваров Зоҳидилло Иномхўжаевич

тарих фанлари номзоди
Ибрагимов Элдор Фазилджанович

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси**

Диссертация ҳимояси 2012 йил “____” _____ куни соат ____ да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети қошидаги Д.005.11.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11).

Диссертация билан Тошкент ислом университети Ахборот-ресурс маркази кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11).

Автореферат 2012 йил “____” _____ да тарқатилди.

**Д. 005.11.01 Ихтисослашган
кенгаш илмий котиби**

т.ф.н., доц. Д.А.Раҳимжонов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунга келиб бутун жаҳонга хавф солаётган диний экстремизм ва халқаро терроризмни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири диний мутаассибликдир. Ушбу муаммо Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби кўплаб халқаро, минтақавий, хусусан, ҳар бир давлатнинг қонунчилиқ, ижроия ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, шунингдек нодавлат ва жамоатчилик ташкилотлари учун ўта муҳим вазифага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мутаассибликнинг диний экстремизм билан боғлиқ ўзига хос хусусияти ва кўринишларига тўхталиб, авваламбор ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга мурасасиз муносабатда бўлиш ва мазкур иллатга йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлкинини келтириб чиқаришга қодирлиги ҳамда “ўзининг шак-шубҳасиз ҳақиқилигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишга ишонч ҳисси сўнгги чораларга – зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади”¹, – дея уқтиради.

XX асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида, дунёда дин омилининг фаоллашуви советлардан кейинги маконда ҳам ўз аксини топди. Бироқ, бу даврда, бир томондан, жамиятда диннинг мавқеи қайта тикланган бўлса, бошқа томондан, ана шу асосда можаролар чиқиши учун сабаблар шаклланди. Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ислом омили ва айнан диндан сиёсий кураш ва омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш учун қурол сифатида фойдаланиш ҳолатига гувоҳ бўлдик. Бу таҳдид ҳақида Президент Ислом Каримов: “Ўзбекистонда ислом ақидапарастлиги хавфи бор ва у тобора ортиб бормоқда”², – дея таъкидлаган эди.

Ислом мутаассиблиги билан боғлиқ диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг минтақа, хусусан, Ўзбекистонга солиб турган хавфи 90-йилларда Наманган ва Андижон, 1999 йили 16 февралда Тошкент шаҳри, 1999-2001 йиллари Боткен (Қирғизистон), Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари, 2004 йилнинг июль ойида Тошкент ҳамда 2005 йил 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари мисолида яққол намоён бўлди. Шунинг учун “халқимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак. Халқимиз тафаккурида юксак ахлоқий,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 37-38.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 52.

маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши кучларга сафарбар этиш зарур”³.

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги яна қуйидаги омиллар билан белгиланади:

биринчидан, ислом дини доирасидаги турли мутаассиб фирқаларнинг тарихи, ғояси ва фаолият услублари баён этилган асарларни қиёсий тадқиқ этиш муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади;

иккинчидан, XIX-XX асрда мусулмон оламида кескин фаоллашган “исломлаштириш”, “исломий бошқарув”, “ислом давлати” каби шиорлар остидаги баъзи тажовузкор оқимларнинг шаклланишини ҳар жиҳатдан атрофлича ўрганиш давр талабига айланди;

учинчидан, ислом ниқоби остида диний мутаассиблик ягона ислом халифалигини барпо этиш йўлида турли оқимларнинг муштараклигини ўзида намоён этаётганлигини қиёсий таҳлил этиш эътиборга моликдир;

тўртинчидан, замонавий кўринишдаги диний ақидапарастликнинг Ўзбекистондаги кўринишлари ва унинг ғоявий-тарихий илдизларини асл манбалар асосида тадқиқ этиш давр заруратидир. Шу жиҳатдан, Республикада ғайриқонуний фаолияти кузатилган тузилмалар томонидан амалга оширилган қўпоровчилик ҳаракатлари, уларнинг халқаро экстремистик ва террорчи ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини таҳлил этиш мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича амалий қарорлар ишлаб чиқаришнинг муҳим шарти ҳисобланади;

Нихоят, *бешинчидан*, глобаллашув жараёнлари кучаётган бир пайтда юртимизда диний мутаассибликка қарши курашнинг маърифий асосларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш долзарб вазифага айланди. Айни пайтда ана шу асосда олиб борилган тадқиқотларнинг натижа ва хулосаларига таянадиган илмий тавсияларга эҳтиёж юқорилигича қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда диний мутаассибликнинг тарихи, шаклланиши, намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда унинг шахс ва жамият барқарорлигига таъсирини ўрганишда янгича ёндашув жараёнлари кузатилмоқда. Хусусан, дунё мамлакатлари глобаллашуви тадқиқотчиларнинг мазкур мавзу бўйича чуқур илмий изланишлар олиб боришларига ундамоқда.

Мазкур мавзу уч гуруҳ: қадимги ислом манбалари, XX аср охири ва XXI аср бошларида ғарб, рус ва араб тилларидаги хориж ҳамда мустақилликдан сўнг ушбу муаммога бағишлаб чоп этилган маҳаллий адабиётлар асосида таҳлил этилди.

Биринчи гуруҳ. Ислом тарихига оид манбаларда мусулмон жамоаси ўртасида вужудга келган турли фирқалар ҳақида батафсил баён этилган маълумотлар мавжуд.

³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – провард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 29.

Исломдаги энг биринчи ва очик кўринишдаги сиёсий бўлиниш, яъни хорижийлик VII асрнинг иккинчи ярми бошларида вужудга келган. Шу асрнинг охирига келиб ақида борасида ҳам ажралиш (қадарий) кузатилди. Асосий мусулмонлар жамоаси – Аҳли суннадан ажралиб чиққан бундай фирқаларнинг эътиқодий қарашлари деярли барча ислом манбаларида раддия (мунозара) сифатида ўз аксини топган. Жумладан, Муҳаммад ас-Савосий ал-Искандарий (ваф.861 й.), Ибн Жарир ат-Табарий (ваф.923 й.), Муҳаммад ат-Таҳовий (858-933 йй.), Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944 йй.), Абул-Ҳасан ал-Ашъарий (873-935 йй.), Абу Бакр ал-Боқилоний (ваф.1013 й.), Абу Муин ан-Насафий (1046-1114 йй.), Мулло Али ибн Султон (ваф.1014 й.), Ибн ал-Фурқ (ваф.1015 й.), Абу Исҳоқ ал-Исфарионий (ваф.1027 й.), Абдулқоҳир ал-Бағдодий (ваф.1037 й.), Абдулмалик ал-Жувайний (ваф.1085 й.), Абдулкарим аш-Шаҳристоний (1075-1153 йй.), Абу Муҳаммад ал-Ўший (ваф.1173 й.), Фаҳриддин ар-Розий (ваф.1209 й.) каби ислом олимлари турли фирқаларнинг қараш ва фаолият усулларини тадқиқ қилиб, анъанавий суннийлик ақидаларини ҳимоя қилганлар.

Иккинчи гуруҳни диний мутаассибликнинг тарихий ва замонавий кўринишлари, жамият тараққиётига салбий таъсири, унинг диний экстремизм ва халқаро терроризм билан боғлиқ жиҳатларини чуқур ўрганишга қаратилган хорижий адабиётлар ташкил этади.

Илмий тадқиқот мавзусининг долзарблигини эътиборга олиб, у билан боғлиқ рус ва ғарб тилларидаги хориж адабиётларини ўрганиш ҳам аҳамиятга молик. О.Большаков, А.Игнатенько, Ю.Антонян, С.Прозоров, Г.Морозов, А.Грачев, А.Гушер, В.Емельянов, Ф.Коровиков, Е.Ляхов, Е.Примаков, М.Аркун, К.S.Grey, I.Bermen, G.Gleasonнинг асарларида⁴ диний мутаассибликнинг моҳияти, унинг хусусиятлари ҳамда диний экстремизм ва халқаро терроризм билан ўзаро алоқадорлик жиҳатлари атрофлича ёритиб берилган. Шунингдек, мазкур тадқиқотларда мутаассиблик билан боғлиқ диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг тарихи, унинг фаолият усуллари, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидига оид маълумотлар баён этилган.

⁴ Большаков О.Г. История халифата. – Т. 1. Ислам в Аравии (570-633). – Москва: Наука, 1989. – 560 с.; Игнатенько А.А. Халифы без Халифата. – Москва: Наука, 1988. – 320 с.; Антонян Ю.М. Психологические проблемы исследования насилия. Преступность как угроза национальной безопасности. – Ульяновск: УльГУ, 1998. – 288 с.; Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. – Москва: Восточная литература, 2004. – 158 с.; Грачев А.С. Политический экстремизм. – Москва: Мысль, 1986. – 280 с.; Гушер А.Н. Проблема терроризма на рубеже третьего тысячелетия новой эры человечества. <http://www.e-journal.gwr.euro2000>. – С. 1-13; Емельянов В.П. Проблемы уголовно-правовой борьбы с терроризмом // Государство и право, № 3. – Москва, 2000; Коровиков Ф.В. Исламский экстремизм в арабских странах. – Москва: Наука, 1990. – 97 с.; Ляхов Е.Г. Терроризм и межгосударственные отношения. – Москва: Наука, 1991. – 286 с.; Примаков Е.М. Анатомия ближневосточного конфликта. – Москва, 1978. – 224 с.; Примаков Е.М. Восток после краха колониальной системы. – Москва: Наука, 1982. – 290 с.; Аркун М. Ислам и демократия. Какая демократия? Какой ислам? // Отечественные записки. – Москва, 2006. №6. – С. 7-12; Grey K.S. Combating terrorism Parameters. Autumn. 1993; Berman I. The New Battleground: Central Asia and the Caucasus // The Washington Quarterly, Vol.28, No. 1, Winter 2004-05. – P. 6-59; Gleason G. Central Asia: State Building in The Face Of Insurgent Islam, Strategic Asia 2004-05. – P. 210-220.

Араб тадқиқотчилари, жумладан, Муҳаммад аш-Шакъа, Аҳмад ал-Жалий, Муҳаммад ал-Жуханий, Муҳаммад Абу Заҳра, Абу Юсуф ал-Ироқий, Али ибн Муҳаммад ал-Фаҳрий, Ҳасан ас-Содиқ ал-Ливоъ, Саййид Аҳмад ат-Такво, Рамазан Мадкур, Ҳасан ас-Содиқ⁵ларнинг асарларида ислом дини моҳиятидан келиб чиқиб, унда эътироф этилмаган фирқалар, уларнинг ғоя ва фаолиятлари ҳамда Аҳли суннага зид мутаассибона қарашлари очиб берилган. Мазкур асарларда барча мусулмонлар томонидан эътироф этилган ислом ақидаси асосий мезон сифатида қаралиб, диннинг ўзига хос хусусиятлари, инсоннинг маънавий камолоти ва унинг ҳаётий манфаатларига хизмат қилиши каби масалалар бағрикенглик руҳида ёндашилган.

Учинчи гуруҳ ҳозирги кунда мамлакатимизда диний мутаассиблик ва ақидапарастликка қарши кураш масалаларига оид яратилаётган кўплаб маҳаллий тадқиқотларни қамраб олади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, мутаассибликка асосланган диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг таҳдиди Президент Ислам Каримов асарларида атрофлича илмий асослаб берилган. Юртбошимизнинг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида “... диннинг маънавий қадриятлари билан шиорларидан, хусусан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурлиги” таъкидланиб, унинг бутун бир қисми “Диний экстремизм ва фундаментализм” деб номлаган ҳамда унинг етти та белгиси кўрсатилиб, уларни бартараф этиш йўллари таҳлил этилган⁶.

Шунингдек, диний мутаассиблик ва ақидапарастлик муаммолари мавзуси ўзбекистонлик олимлардан А.Ҳасанов, М.Раджабова, З.Ҳусниддинов, А.Жузжоний, А.Ачилдиев, С.Абдуллаев, У.Убайдуллаев, У.Тожиҳонов, А.Абдувоҳидов, А.Закурлаев, Ш.Ўразаевларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган. Бироқ унинг тарихий илдизлари бугунги кун талабига мос тўла тадқиқ этилмаган. Булардан А.Ҳасанов, З.Ҳусниддинов, А.Мансур, А.Жўзжоний, Ғ.Кароматов, С.Абдуллаев, К.Захидовлар⁷ томонидан унинг тарихий жиҳатларининг баъзи қирраларигина ўрганилган, холос.

⁵ Аш-Шакъа М. Ислам била майоҳиб. – Қоҳира, 1991. – 551 б.; Ал-Жалий А. Дирасат ал-фирақ ва тариу ал-муслимийн ал-уавориж ва аш-ши‘ат. – Ар-Риёу: Марказ ал-Малик Файйал ли ал-бунуъ ва ад-дирасат ал-исломия, 1988. – 220 б.; Ал-Жуханий. Ал-Мавсу‘ат ал-муяссара фий ал-адён ва ал-майоҳиб. – Риёу: 2000. – Т. 1-2; Абу Заҳра М. Тариу ал-майаҳиб ал-исломия фий ас-сиясати ва-ал-‘ақоиди ва тариу ал-майоҳиб ал-фикҳия. – Қоҳира: Дор ал-фикр; Ал-‘Ироқий Абу Юсуф Халил. ал-Ғулув. Мактаба аш-Шомила. Электрон мажмуа; Ал-Фаўрий А. Талўий ал-баён фий фирақи аҳл ал-адён. – Москва, 1988. – 140 б.; Ал-Ливо’ Ҳасан Ўодик. Жузур ал-фитнати фий ал-фирақ ал-исломия. – Қоҳира: Майбаат ал-Мадбулий, 1993; Ат-Такво С.А. Ал-Фирақ ал-вахҳобия фий ўидмати ман? – Байрут: Ал-Иршод ли ат-тибоати ва ан-нашр; Мадкур Р.М. Ат-Такфир ва ал-ҳижра. – Қоҳира, 1985; Ҳасан Ўодик. Ал-Фирақ ал-исломия. – Қоҳира: Макъаб ал-мадбулий, 1993. – 180 б.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Б. 33-49.

⁷ Ҳасанов А.А. Мекка, Медина и верования арабов накануне возникновения ислама. – Т. 1. – Тошкент: ТИУ, 1994; Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари: Фал. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ТИУ, 2000. – 149 б.; А.Мансур. Ақоид матнлари. – Тошкент: ТИУ, 2006. – 56 б.; Жузжоний Ш.А. Ислам ҳуқуқшунослиги: ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: ТИУ, 2002.

Мавжуд тадқиқотлар таҳлили, диний мутаассибликнинг тарихий илдишлари ва замонавий кўринишлари комплекс равишда тадқиқ этилмаганини кўрсатади. Улар ҳали тарихшунослик ва диншунослик фанлари нуқтаи назардан махсус ўрганилмаган, бошқа жиҳатдан ушбу муаммо бўйича яхлит, умумлашган монографик тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети Илмий Кенгашининг 2007 йил 27 декабрь куни бўлиб ўтган 3-сонли мажлиси баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқот мақсади: диний мутаассибликнинг тарихий илдишлари, замонавий кўринишлари ва унга қарши курашнинг маърифий асосларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

- диний мутаассибликнинг тарихий илдишлари ва ақидапараст гуруҳлар фаолиятларини мазҳаблар тарихига оид манбалар асосида ўрганиш;
- исломдаги асосий бўлинишда мутаассиб фирқаларнинг намоён бўлиши ва улар ғояларининг тарқалишида тарихий жараёнларни таҳлил этиш;
- замонавий кўринишдаги ислом фундаментализмининг шаклланиши ва унинг тарқалиш сабабларини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистонда диний ақидапарастликнинг намоён бўлиши ва унинг ғоявий-тарихий илдишларини очиб бериш;
- диний мутаассибликнинг шахс, жамият ва давлат барқарорлигига таҳдидини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш;
- Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш сиёсатининг маърифий асосларини кўрсатиб бериш;
- диний мутаассиблик ва ақидапарастликнинг олдини олиш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: мазҳаблар ва диний мутаассиб фирқалар, халқаро экстремистик ва террорчи ташкилотлар.

Тадқиқот предмети: мазҳаблар ва диний мутаассиб фирқаларнинг тарихи, ғоявий қарашлари, фаолиятларидаги ўзига хос хусусиятлар ҳамда уларга қарши маънавий-маърифий кураш.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, фармон ва қарорлари, Республика Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан мавзуга доир қабул қилинган қарорларда диний экстремизм ва терроризмга оид баён қилинган фикр ва тамойиллар, мазҳаблар тарихи ёритилган манбалар, сиёсатшунос, файласуф, социолог, психолог ва тарихчилар

– 256 б.; Кароматов Ғ. Ислом фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти: Фал. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДШИ, 1999. – 21 б.; Абдуллаев С. Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва ислом: Фал. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ТДШИ, 2002. – 150 б.; Захидов К.Т. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари (632-661): Тар. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ТИУ, 2004. – 175 б.

асарларидаги диний мутаассибликка хос бўлган экстремизм ва терроризм ҳақидаги мулоҳазалар тадқиқотнинг методологик манбалари бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқотда вақтли матбуот, интернет материалларидан таҳлилий фойдаланилди ҳамда назарий жиҳатдан умумлаштирилди.

Тадқиқотнинг хронологик чегаралари. Ижтимоий-сиёсий омиллар сабабли юзага келган турли тоифадаги диний мутаассиб фирқаларнинг тарихий илдизлари ва замонавий кўринишлари таҳлили асосида VII-XXI асрлар тадқиқотнинг хронологик чегараси қилиб белгиланди.

Тадқиқотнинг илмий-назарий ва методологик асослари. Тадқиқот жараёнида умуминсоний, миллий ва диний қадриятларни уйғунлаштирган миллий ва мустақиллик ғоялари методологик асос қилиб олинган. Шу билан бирга, илмийлик, холислик, тарихийлик тамойилларига таянилди. Диссертация ишида цивилизацион услуб, умумлаштириш, статистик, тарихий-қийёсий, диншуносликка хос бошқа услублардан ҳам кенг фойдаланилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов асарларида диний ақидапарастликни ислом дини билан боғлашдек уринишларни кескин қоралаш, унинг моҳиятини бузиб талқин этаётган кимсалардан ҳимоя қилиш, айниқса, ёшларимизнинг ана шу кучлар таъсирига тушиб қолмаслик тўғрисидаги фикрларига риоя қилинди. Шунингдек, хорижий ва маҳаллий олим, тадқиқотчиларнинг муаммога алоқадор хулоса ва натижаларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Манбаларда мусулмон дунёсидаги турли мутаассиб фирқа ва оқимларнинг пайдо бўлиши, уларнинг қараш ва фаолият услублари атрофлича ўрганилгани сабабли, улардан мутаассиблик билан боғлиқ диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг шаклланиши, тарқалиши, жамият барқарорлигига хавфини баҳолаш ҳамда уларга қарши курашнинг маърифий асосларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари, замонавий кўринишлари ва унга қарши кураш асослари тадқиқи қуйидаги ҳолатларни ҳимояга олиб чиқишга асос бўлади:

1. Бугунги кунда дунёдаги мавжуд диний-сиёсий тузилмаларнинг шаклланиши ва уларнинг экстремистик ташкилот ҳамда гуруҳларга айланишининг ғоявий илдизлари узоқ тарихий ўтмишга бориб тақалади.

2. Абдулқоҳир ал-Бағдодийнинг “ал-Фарқ байн-ал-фирақ” асари турли кўринишда бўлган фирқаларнинг ғоя ва фаолият услублари синчковлик билан ўрганилгани ҳамда Аҳли сунна ақидавий қарашлари асосида уларга раддиялар берилгани билан аҳамиятлидир.

3. Ислондаги асосий йўналишлардан бўлган шиа ва хорижийлик негизида дастлабки фирқалар шаклланган бўлса, ўрта асрлардан сўнг суннийлик йўналишидаги диний-сиёсий фирқа ва оқимларнинг янги қатламлари вужудга келди.

4. Республикамиз барқарорлигига таҳдид солаётган диний мутаассиблик амалда мавжуд бўлган виждон эркинлигига зид, низо ва парокандалик ҳолатларини келтириб чиқарувчи омил сифатида баҳоланади ҳамда унга қарши маърифий кураш муҳим аҳамият касб этади.

5. Диний мутаассибликка қарши маънавий-маърифий кураш масалалари хусусан, демократик қадриятларга асосланган ҳуқуқий давлат қуриш даврида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги мантиқий нисбатни шакллантиришда Ўзбекистон тажрибаси намуна бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари манбалар, жумладан, ал-Бағдодийнинг “ал-Фарқ байн-ал-фирақ” асари асосида атрофлича очиб берилди;

– ал-Бағдодий баён этган ва исломда эътироф этилмаган 8 та асосий тоифа ва ундан ажраб чиққан фирқаларнинг вужудга келиши, ғоя ва фаолият услублари “ал-Фарқ байн-ал-фирақ” асарига таянилган ҳолда таржима қилиниб, илк марта нашрга тайёрланди;

– ислом дини доирасида юзага келган қадимги ҳамда замонавий фирқаларнинг ғоя ва фаолият услублари қиёсий ўрганилиб, ўхшаш хусусиятлари очиб берилди;

– суннийлик йўналишида вужудга келган замонавий кўринишга эга ақидапараст фирқалар фаолиятининг шаклланиши шартли равишда босқичларга бўлиниб, уларнинг умумий жиҳатлари ўрганилди;

– Ўзбекистон Республикасида фаолияти аниқланган диний ақидапараст тузилмаларнинг халқаро террорчи ва экстремистик ташкилотлар билан ўзаро фаолиятлари мувофиқлаштириб турилиши асослаб берилди;

– диний мутаассиблик, экстремизм ва ундан озикланаётган халқаро терроризмга қарши маънавий-маърифий кураш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг асосий натижа ва хулосалари диний мутаассибликнинг олдини олишда аниқ самарали натижа берувчи усулларни ишлаб чиқишда замин ҳозирлаш билан бирга, унга қарши кураш олиб бораётган кенг жамоатчилик, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари учун амалий аҳамият касб этади. Шу билан бирга “Диншунослик”, “Исломшунослик”, “Ислом тарихи ва манбашунослиги”, “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма ҳамда махсус курсларда ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диний мутаассибликнинг тарихий ва замонавий кўринишлари ҳамда унга қарши кураш асосларига бағишланган турли рисола ва китоблар нашр этиш ҳамда ОАВлари орқали мазкур мавзуга бағишланган кенг тарғибот ва профилактик тадбирларда амалий қўлланма сифатида фойдаланишга хизмат қилади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича Республика вилоятларидаги маҳаллий ҳокимият, ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, академик-лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда маҳалла фуқаролари йиғинларидаги қатор маърифий тадбирларда маърузалар қилинди. Ички ишлар Вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси (ИИВ ЖИЭББ) тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасалари шахсий таркиби ҳамда махсус контингенти ўртасидаги профилактик тадбирларда амалий машғулотлар ўтказилди.

Ишнинг апробацияси. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 майдаги 07/44-17 рақамли “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури” ижроси доирасида Республика вилоятлари академик-лицей, коллеж талабалари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, посбон, ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва маҳаллий ҳокимият вакиллари, шунингдек отинойи ва имом-хатиблар ўртасида ташкил этилган қатор маърифий тадбирларда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. ИИВ ЖИЭББ тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасаларида диний-экстремистик йўналишда жиноят содир этган маҳкумлар ўртасида олиб борилган тарбиявий-профилактик тадбирларда маърузалар қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри “Маънавият тарғиботи маркази” раҳбарлари, Тошкент ислом университети (ТИУ) “Қиёсий диншуносликни ўқитиш масалалари” ва “Диншуносликнинг долзарб муаммолари”, Тошкент ислом институти “Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги”, Тошкент давлат техника университети “Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”, ИИВ ЖИЭББ “Ватан масъулияти – муқаддас бурч” ва “Огоҳлик – тинчлик гарови” мавзуларидаги илмий-назарий семинарларда маъруза ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Диссертация Тошкент ислом университети “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО”, “Исломшунослик” ва “Тарих” кафедраларининг қўшма мажлиси (2011 йил 1 июнь) ҳамда Тошкент ислом университети ҳузуридаги Д.005.11.01 Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинар мажлисида (2011 йил 7 декабрь) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижа ва хулосалари муаллифнинг 22 та илмий нашрларида ўз ифодасини топган. Жумладан, диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий мақола, 4 та рисола, 2 та ўқув қўлланма ва “ZiyoNET” интернет-порталида 1 та мақола нашр этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти бўлимдан ташкил топган учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва

адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 165 бет, унда 170 та манба ва адабиётдан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **“Кириш”** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, услубий асослари, илмий ишнинг объекти ва унга асос қилиб олинган манбалар, ҳимояга олиб чиқилган асосий ҳолатлар, диссертациянинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги ҳамда тузилиши баён этилган.

“Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари ва ақидапараст гуруҳларнинг фаолият усуллари” деб номланган биринчи боб уч бўлимдан иборат. Унда мазҳаблар тарихига оид манбаларда фирқалар тарихининг ўрганилиши, мутаассиб гуруҳларнинг вужудга келиши ва тарқалишида тарихий жараёнларнинг ўрни, исломдаги асосий бўлинишларда фирқаларнинг намоён бўлиш шакллари фактлар асосида ёритилган.

Ушбу бобнинг *“Мазҳаблар тарихига оид манбада фирқалар тарихининг ўрганилиши (‘‘Ал-Фарқ байн-ал-фирақ’’ асари асосида)”* номли биринчи бўлимида дунёдаги мавжуд диний-сиёсий тузилмаларнинг шаклланиши ва уларнинг экстремистик ташкилот ҳамда гуруҳларга айланишининг ғоявий илдизлари узоқ тарихий ўтмишга бориб тақалиши ҳақида сўз юритилади. Шофеий мазҳаби фақиҳи ва ашъарийлик йўналиши илоҳиётчиси Абдулқохир ал-Бағдодий ўзининг *“ал-Фарқ байн-ал-фирақ”* асарида мазҳаблар тарихини *“Ислом умматининг фирқаларга бўлиниши ҳақидаги ҳадислар”*, *“Ислом уммати ихтилофи ва унинг 73 фирқаси”*, *“Ҳавои-нафсга эргашган фирқалар ва уларнинг тафсилотлари”*, *“Исломга нисбат берилган, бироқ унда эътироф этилмаган фирқалар”*, *“Нажотга эришувчи фирқа тавсифи”* каби 5 бобга бўлиб тадқиқ этган. У Муҳаммад Пайғамбар огоҳлантирган ва *“ҳалокатга учровчи”* дея таърифлаган фирқаларни жамлаб, жами 72 фирқа бўлишини баён қилади. Уларнинг 20 таси рофизий, 20 таси хорижий, 20 таси қадарий ва муржиа, шунингдек, қолган 4 тоифанинг ҳар бири учтадан бўлиб, улар нажжорий, жаҳмий, карромий ва мушаббиха тоифаларидир.

Тадқиқотда мазҳаблар тарихига оид манбаларда 72 та фирқанинг асосий тоифалари ҳақида турлича маълумотлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, ал-Бағдодий *“ал-Фарқ байн-ал-фирақ”* асарида уларни 8 тоифага, аш-Шаҳристоний *“ал-Милал ва-н-ниҳал”* асарида 6 та: мўътазилий, жабарий, сифатий, хорижий, муржиа, шиа тоифасига, Абул Муин ан-Насафий ва Шамсуддин ал-Қуртубийлар ҳам хорижий, қадарий, жаҳмий, муржиа, шиа ва жабарий каби 6 тоифага бўлишган. Амр ибн Аби Осим аз-Заҳҳок аш-Шайбоний *“Ас-Сунна”*, Мустафо ибн Муҳаммад ибн Мустафо *“Усул ва*

тарих-ул фирақ ал-исламия”, Муҳаммад аз-Заҳабий “Ат-Тафсир ва ал-муфасссирун” номли асарларида адашган фирқаларни асосан 4: шиа, хорижий, мўътазила-қадарий, муржиа тоифаларига ажратган. Демак, рофизий, хорижий, мўътазила-қадарий, муржиалар деярли барча тарихий манбаларда асосий фирқалар қаторида санаб ўтилган. Жабарий, сифатий, жаҳмий каби фирқалар борасида ихтилофли фикрлар мавжуд.

“Мутаассиб гуруҳларнинг вужудга келиши ва тарқалишида тарихий жараёнларнинг ўрни” номли иккинчи бўлимда ислом дини дунё бўйлаб тарқалаётган бир даврда ўзга юртдаги анъана, қолаверса, кундалик ҳаётдаги янги муаммолар ислом ақидасига зид бўлмаган ҳолда ҳар бир юртнинг маҳаллий шароити манфаатидан келиб чиқиб ҳал қилина бошлагани ҳақида сўз юритилади. Жумладан, бир томондан ҳаётий муаммолар, иккинчи томондан турли мақсад ва манфаатлар натижасида айни бир муаммони ҳал қилишда ягона ҳукм эмас, балки бир-бирига зид бўлган қарорлар ҳам чиқарилган. Мусулмон дунёсига раҳна солган мутаассиб фирқалар бу каби вазиятларда ўз фаолият услубини хилма-хил шакл ва турли мақсадлар сари йўналтириб, “ақидавий, сиёсий-ижтимоий куч” сифатида намоён бўлган.

Шунингдек, тадқиқотда илк ислом жамоаси ўртасидаги сиёсий бўлиниш Алининг халифалик даврида “Жамал воқеаси” иштирокчилари, саҳоба Муовия, “Сиффин” иштирокчилари ҳамда икки ҳакам: Абу Мусо ал-Ашъарий ва Амр ибн Оснинг чиқарган ҳукмлари сабабли пайдо бўлганлиги ҳамда узок вақтгача мазкур воқеалар атрофида тортишувлар давом этганлиги ёритиб берилган.

Таъкидлаш лозимки, “Сиффин” жангидан (657 й.) сўнг исломдаги энг биринчи ва очиқ кўринишдаги сиёсий бўлиниш кузатилди. Унда халифа Али “ҳақиқий ворислик (яъни халифалик)” ҳуқуқига эга деб ҳисоблаган тарафдорлари ўртасида норозилик пайдо бўлиб, икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ Али ва унинг оиласи ҳокимияти томонида бўлиб, шиа – гуруҳ, тарафдорлар деб аталди. Иккинчи гуруҳ эса хорижий – ажралиб чиққанлар номини олиб, Муовия билан кечган мазкур урушни музокара орқали тўхтатишга розилик бергани учун Алига қарши бўлдилар.

Аслида ислом жамоаси ўртасидаги биринчи ихтилоф Пайғамбар Муҳаммад вафотидан сўнг, имом-халифа тайинлаш борасида бошланган бўлса-да, лекин у Абу Бакрнинг халифа этиб сайланиши билан тезда бартараф этилган эди. Бироқ хорижийлар чиқарган илк ихтилоф катта бўлинишларга олиб келганлиги учун уни исломдаги энг биринчи экстремистик оқим сифатида кўрсатиш ўринли бўлади.

“Исломдаги асосий бўлинишларда мутаассиб фирқаларнинг намоён бўлиш шакллари” номли учинчи бўлимда исломдаги илк, йирик муаммо – ғоявий-сиёсий шаклда кузатилиб, жамиятда юзага келган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ҳамда олий ҳокимият учун кураш жараёнлари диққат марказда турилгани баён этилган. Кейинчалик диний ақида, ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга оид бир қатор масалаларда ҳам бир-биридан фарқ қилувчи

омиллар ўзини намоён этиб ақидавий, сўнгра фикҳий мазмунга эга жиҳатлар ҳам шаклланди.

Ўрганилган илмий тадқиқотларда исломдаги ғоявий бўлинишлар асосан бешта: сиёсий, имон, тақдир ва ирода эркинлиги, Аллоҳнинг зоти ва сифатлари ҳамда фикҳий масалалардаги бўлинишларга ажратилган⁸. Мазкур беш йўналишдан иккинчи, учинчи ва тўртинчи масалалар ақидавий мазмунга тааллуқлиги жиҳатидан уларни умумлаштириб баён қилиш ўринли бўлади. Қолаверса, исломдаги асосий бўлиниш ҳолати, уни келтириб чиқарган сабаб ва омилларни ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш натижасида асосан уч: сиёсий, ақидавий ҳамда фикҳий йўналишга ажратиш мумкин.

Диссертацияда ислом тарихида турли кўринишдаги бўлиниш ҳолатлари қуйидаги омиллар сабабли вужудга келганлигини кўрсатиб ўтилди:

1. “Ҳокимият (имомат)” масаласи;

Исломни илк даврида пайдо бўлган имомат масаласи, ўз ичига олий ҳокимиятга эгалик қилиш Муҳаммад Пайғамбар вафотидан сўнг бошланган. Бу муаммо кейинчалик, мусулмонларнинг ҳақиқий парчаланишига сабаб бўлган шиа ва хорижийлар ҳамда уларнинг негизида бир-бирини кофирликда айбловчи кўплаб гуруҳларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

2. Ислом тарқалган ҳудудларнинг янада кенгайиши;

Дастлаб Макка, Мадина ва унинг атрофида пайдо бўлган ислом дини бир неча асрлар мобайнида Шимолий Хитойдан Испаниягача, Кавказ ортидан Ҳинд океанигача бўлган катта ҳудудда тарқалди. Мазкур ерларда барча соҳада ўзаро яқинлашув ва тажриба алмашинуви йўлга қўйилиб, ривожланиш сари қадам ташланди. Шу билан бирга ўзгача маданият, анъана ва диний тасаввурлар, қолаверса, турли фалсафий қараш ва таълимотлар аралашуви ҳам ўзига хос таъсир кучига эга бўлди.

3. Мавжуд юзага келган вазиятларнинг деярли барчасида ислом таълимоти фойдаланилаётган асосий бош омил сифатида намоён бўлиб, мусулмонларнинг ички ва ташқи муҳолифлари ўз манфаатлари йўлида ундан устамонлик билан фойдаланган.

“Замонавий мутаассиб гуруҳларнинг шаклланиши ва уларнинг тарқалиш сабаблари” номли иккинчи бобда Ўзбекистонда диний ақидапарастликнинг кўриниши, унинг ғоявий илдизлари, мутаассиб гуруҳлар ғояларининг тарқатилиш сабаблари ва улар фаолиятидаги мақсад ва услублар хусусида тадқиқот олиб борилган.

“Замонавий кўринишдаги диний ақидапарастликнинг шаклланиши ва Ўзбекистондаги кўринишлари” номли бўлимда ўрта асрларга келиб, суннийлик йўналиши негизида янги қатлам, жумладан, “равшаний”,

⁸ Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. – Москва: Восточная литература, 2004. – С. 8. Хусниддинов З. Ислам: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Тошкент: Мовароуннахр, 2000. – Б. 5. Раҳимжонов Д. Исламда ғоявий ихтилофлар // Ватан масъулияти – муқаддас бурч. – Тошкент: Нур-полиграф, 2007. – Б. 51-56.

“аҳмадий”, “салафий” ва “махдийлик” каби баъзи гуруҳлар асосан ижтимоий-сиёсий вазият сабабли юзага келганлиги ёритиб ўтилган.

Маълумки, Ғарб мустамлакачилиги даврида мусулмон мамлакатларида, дастлаб ислохотчилик номини олган қаршилик ҳаракатлари пайдо бўлган. Кейинчалик озод бўлган мусулмон оламида “исломлаштириш”, “исломий бошқарув”, “ислом давлати” каби дастурлар олға сурилган. Хусусан, 1884 йил Парижда Жамолiddин ал-Афғоний (1839-1897 йй.) ва Муҳаммад Абдух (1849-1905 йй.) томонидан яширин равишда тузилган “ал-Урват ал-вусқо” (“Мустаҳкам бирлик”) уюшмаси мусулмон зиёлилар орасида катта таъсирга эга бўлган. Уюшма асосий йўналиши ислом динини ислоҳ қилиш ҳамда мусулмон оламини исломнинг дастлабки кўринишига қайтариш эди. “Ихвон ал-муслимун” халқаро экстремистик ташкилоти раҳбари Ҳасан ал-Банно (1906-1949 йй.) ҳам мазкур ғоялардан таъсирланган.

Диний экстремизм муаммоларини тадқиқ этган европалик исломшунос Х.Фрага “ихвон ал-муслимун” ташкилоти фаолияти, хусусан, ал-Банно шахсини ўрганар экан, уни ислом давлатини қуриш ғояси остида зўравонлик, террор ҳамда қотилликка очик чақирувчи ислом тузилмаларини вужудга келишига туртки бўлгани ва улар фақатгина ғайридинларга нисбатан эмас, балки мусулмонларнинг ҳам ўзига қарши қўлланганини таъкидлайди⁹.

Демакки, замонавий кўринишдаги ислом фундаментализмига Мисрда ал-Банно томонидан асос солинган. Суннийликда юзага келган мутаассиб ва ақидапараст гуруҳлар айнан “ихвон ал-муслимун” атрофида бирлашиб, Яқин Шарқнинг деярли барча ҳудудларига тарқалган.

Диний мутаассибликнинг минтақа, хусусан, Ўзбекистонда шаклланишини таҳлил қилиш орқали, унинг XX асрнинг 80-йилларида бир қанча омиллар сабабли янада очикроқ намоён бўлганини қайд қилиш мумкин. Ўша даврда Фарғона водийси, айниқса, Наманган ва Андижонда яширин очилган хужралар сони тез суръатларда кўпая бошлади. Водийда чет эл, жумладан, Саудия Арабистонидаги айрим исломий ташкилотлар билан алоқа боғлаш натижасида анъанавий ҳанафийликка қараганда радикал кўринишга эга бўлган “салафийлик”нинг таъсири кучайди. Қолаверса, мазкур даврда нафақат бу оқимнинг янги услуб ва фаолиятда намоён бўлиши, балки “ҳизбут-таҳрир”, “таблиғ” каби ашаддий экстремистик ташкилотларнинг ҳам ғоявий хуружлари кузатилди.

Таъкидлаш лозим, Марказий Осиёдаги экстремистик оқимлар ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида хорижий экстремистик марказлар, айниқса, араб экстремистик ташкилотларининг саъй-ҳаракати билан шакллана бошлади. Асосий мақсад собиқ Шўролар ҳукуматининг мусулмон аҳолиси яшайдиган республикаларини ўз интилишлари доирасига тортишдан иборат бўлган.

⁹ Фрага Х. Ислам и терроризм // Новые известия. – Москва, 2004. – С. 66. № 63.

Бундай сохта инқилобни экспорт қилиш ғояси ўша асрнинг 30-йилларида Ҳасан ал-Банно томонидан баён этилганди¹⁰.

Диссертациянинг “Мутаассиб гуруҳлар ғояларининг тарқалиш сабаблари ва уларнинг фаолиятидаги мақсад ва услублар” номли иккинчи бўлимида таассубга берилган тузилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари, улар фаолиятига йўл очаётган мавжуд муаммолар ҳамда жамиятга сингишиш борасида қўллаётган услублари тадқиқ этилган.

Чунончи, дунё мамлакатларидаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ечимини топмаётган масалалар ислом ниқоби остидаги мутаассиб гуруҳлар фаолиятига йўл очмоқда. Мавжуд муаммоларнинг умумий таҳлилида мусулмон мамлакатларидаги аҳволга янада жиддий салбий таъсир кўрсатаётган икки муҳим омилни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Биринчиси мусулмон мамлакатларидаги демографик жараён, яъни аҳоли сонининг тезликда ўсаётганлиги бўлса, иккинчиси мазкур мамлакатларидаги аҳолининг ўсиш суръати ижтимоий ва иқтисодий соҳада қатор мураккаб муаммоларнинг юзага келтириб чиқараётганидир.

Президент Ислом Каримов ўзининг бир қатор асарларида инсоният ҳаётида дин омилини таҳлил қилар экан, уни жамият ҳаётининг бир қисми эканлиги, у ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлиб, уларга таъсир кўрсатиш баробарида ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келгани, яъни “ҳозир мавжуд бўлиб турган диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шаклланганлиги бежиз эмас”¹¹ лигини таъкидлайди.

Диний мутаассибликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар таҳлилида мафкуравий бўшлиқнинг таъсири алоҳидадир. Мафкуравий бўшлиқ, кўпинча, инсонда жамиятдаги мавжуд ҳолат, ижтимоий муҳитни нотўғри идрок этишга, ўзининг иродасини бошқа шахсга бўйсундириш ва дунёқарашида агрессивликни шакллантиришга хизмат қиладиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратади.

Мутаассиб тузилмаларнинг жамиятда кенг тарқалишига яна фуқаролик жамияти ва дунёвий-маърифий давлат қуришга интилаётган кўпчилик мамлакатларидаги замонавий демократик институтларнинг заифлиги, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги, уларнинг саводхонлик (маълумоти) даражаси пастлиги, айниқса, ёшлар келажагининг мавҳумлашуви кучли таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг мазкур бўлимида халқаро экстремистик ташкилотлар томонидан қўлланилаётган тактик услубларни Марказий Осиё минтақасида фаолияти кузатилган мутаассиб тузилмалар фаолиятида ҳам кузатиш мумкинлиги ўрганилган.

¹⁰ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Масъул муҳаррир. З. Ҳусниддинов. – Тошкент: Тошкент ислом университети матбаа бирлашмаси, 2005. – Б. 67.

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Б. 37.

Мазкур гуруҳлар Ўзбекистондаги фаолиятини ўзларига мос ижтимоий муҳитни яратишдан бошладилар. Бунинг учун улар бир неча шахслардан иборат “ҳалқа”лар ташкил этдилар. Унга аҳолининг маълум қатламлари, аввало, жамоа оила аъзолари, яқин қариндошлар, маҳалладошлар, кўпроқ иқтисодий қийинчиликка учраган ёки етарли эътиборга эга бўлмаган шахслар турли йўллар орқали жалб қилинган. Андижон воқеалари ташкилотчиларидан бири саналган “акромийлар” кишиларни молиявий жиҳатдан қарам қилиб, ўзаро жамоа алоқаларини мустаҳкамлаш йўли билан тарафдорлар орттиришга эришганлар.

Бунинг каби бузғунчи оқимлар, одатда ислом давлати барпо этиш ниқоби остида турли экстремистик руҳдаги адабиёт, варақа, аудио-видео ва СД дисклар тайёрлаб тарқатиш, махсус сайтлар очиш, мамлакатдаги мавжуд иқтисодий-ижтимоий ҳолатни танқид остига олиш, бўхтон ва уйдирма гапларни тарқатиш каби усуллардан ҳам кенг фойдаланишган.

Ушбу бобга оид маълумотларни таҳлил этиш орқали қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Ўрта асрларда суннийлик йўналишидан ажралиб чиққан баъзи фирқа ва оқимларнинг янги қатлами вужудга келган бўлса, XIX-XX асрларга келиб яна кўплаб оқимлар “исломий адолат” тамойилларига асосланган жамият орзусида диний-сиёсий шаклдаги курашларни авж олдириш мақсадида шакллантирилди;

2. Араб Шарқидаги замонавий кўринишга эга бўлган мутаассиб оқимлар дастлаб “Ислом – дин ва давлат” шиори остида динни давлатнинг барча соҳаларига аралашуви тарафдорлари бўлсалар, кейинроқ “ихвон ал-муслимун”нинг “жиҳодий” таълимотига таянувчи жангари уюшмалар томонидан динни сиёсийлаштириш ва қуролли йўл билан ҳокимиятни эгаллаш бош мақсад қилиб белгиланди;

3. Халқаро экстремистик ва террорчи ташкилотлар ўз фаолиятлари таъсирини кенгайтириш мақсадида мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганлар;

4. Ўзбекистонда фаолияти аниқланган мутаассиб тузилмалар халқаро экстремистик ва террорчи ташкилотлар билан ягона ислом халифалигини қуриш ғоясини мақсад қилиб, мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари қатори сиёсий-иқтисодий курашишга ҳам интилишди;

5. Диний мутаассибликка қарши курашда Республикамизда ғайриқонуний фаолияти кузатилган бир қанча экстремистик ташкилотлар ўз мафкурасини аҳоли онгига зўрлаб сингдиришга хизмат қилувчи ривожланган ташвиқот ва тарғибот воситаларига эгалиги, фаолиятлари ривожини йўлида катта маблағларни тасарруф этиши, ҳар қандай воситалар орқали ҳокимиятга интилиши, ислом давлатини барпо этиш дастури, тактикаси ва кураш стратегиясининг мавжудлиги, қолаверса, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишига қарши кайфиятда бўлган ташқи ва ички кучлардан фойдаланиши доимий эътиборда бўлиши лозим.

“Диний мутаассибликнинг жамият ҳаётига салбий таъсири ва унга қарши курашнинг маърифий асослари” номли учинчи бобда диний-экстремистик гуруҳларнинг шахс, жамият ва давлат барқарорлигига солаётган таҳдиди, Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш сиёсати ва унинг маърифий асосларига оид тадқиқот олиб борилган.

Бобнинг *“Диний-экстремистик гуруҳларнинг шахс, жамият ва давлат барқарорлигига таҳдиди”* номли бўлимида, глобаллашув жараёнида халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизликка таҳдидларнинг ҳам намоён бўлишига тўхталиб ўтилган. Бу ўз тасдиғини диний мутаассибликка асосланган глобал террорчиликнинг шаклланишида кузатилади.

Бугунги кунимизда диний экстремизм ўз фаолиятини яширин ташкиллаштириб, халқаро миқёсда, Фаластин, Индонезия, Миср, Ливия, Афғонистон, Покистон, Ливан, Яман сингари мамлакатлар қатори Ғарб давлатларининг тинч аҳолиси ҳаётига ҳам раҳна солмоқда.

Ғарб махсус хизматлари маълумотига кўра, ислом ниқоби остидаги террорчи ташкилотлар 1968 йилда 13 та бўлса, 1999 йилда улар сони 100 дан ортган. Улар таркибида фаол аъзолардан 50 мингга яқини кўпоровчилик ҳаракатларини содир этишга қодирдирлар¹².

Экспертларнинг фикрича, ХХІ асрнинг бошларига келиб, дунё бўйлаб шаклланган 100 дан зиёд йирик террорчи ташкилотлар энг замонавий қуроллар билан таъминланган ва улар йилдан-йилга энг замонавий техника, қурол-аслаҳа воситаларидан фойдаланиб, пухта ўйланган режалар асосида ҳаракатларини ташкиллаштиришмоқда. Улар, одатда, содир этилиши режалаштирилаётган кўпоровчилик ҳужумларига тайёргарлик жараёнида ахборот алмашинуви ва жиной ҳаракатларини молиялаштиришда ўзаро ёрдамлашадилар.

АҚШ Миллий антитеррор марказининг 2009 йил май ойидаги эълон қилган маълумотига кўра 2008 йилда дунё бўйича 11 800, 2007 йилда 14 500, 2006 йилда 14 000, 2005 йилда 11 000, 2004 йилда Ироқда амалга оширилган террорчилик ҳуружларини ҳисобга олмаганда 3 192 та кўпоровчилик ҳаракатлари содир бўлган¹³.

Замонавий воқелик диний экстремизм ва халқаро терроризм сифат ва миқдор жиҳатидан сезиларли ўсгани боис, унинг глобал хавфсизликка йўналтирилган жиддий таҳдидга айланганини кўрсатмоқда. Шунга кўра, кўпоровчилик ва бузғунчилик хатти-ҳаракатларидан кўзланган асосий мақсад, америкалик мутахассис Б.Женкинс таъкидлаганидек, инсонлар орасида ваҳима уйғотишга қаратилаётгани жуда хатарлидир. Бу, ўз навбатида, узоқ вақт аҳоли ўртасида қўрқув ва ваҳима солишга хизмат қилувчи психологик ҳужум услуби сифатида хизмат қилади.

Пенсильвания университети профессори, АҚШ ҳукуматининг терроризмга қарши кураш бўйича маслаҳатчиси М.Сейджменнинг фикрича,

¹² Полонский В., Григорьев А. Джихад всему миру // Общая газета, 1999. – С. 6. № 17.

¹³ <http://flot2017.com/show/monitoring/34278>

халқаро терроризмга қарши курашда асосий эътибор мавжуд ҳукуматларга қарши курашаётган террорчи ташкилотларга эмас, балки глобал кўринишга эга ҳамда аниқ бирор-бир ҳудудга боғланмаган ташкилотлар фаолиятига қаратилиши керак. Профессор М.Сейдҷмен ислом ниқоби остидаги террорчилик ташкилотлари бугунги кунда “Салафийликка асосланган глобал жиҳод” ҳаракатига бирлашгани ва у ислом жиҳодининг асосларидан бири эканини таъкидлайди¹⁴.

Бугунги кунда, ислом ниқобидаги мутаассибликка асосланган диний экстремизм ва терроризм сиёсий мақсадларини кўзловчи тизим сифатида ягона мафкурага эга бўлган халифалик давлатини барпо этиш йўлида турлитуман йўналишдаги гуруҳларнинг муштараклигини ўзида намоён этмоқда. Уларнинг фаолиятида энг кескин усуллар: қўпоровчилик ва тартибсизликка асосланган террорчилик етакчи ўринда турмоқда.

“Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш сиёсати ва унинг маърифий асослари” номли бўлимда юртимизда диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг олдини олишга қаратилган чоратадбирлар, уларга қарши кураш масалалари таҳлил этилган. Чунончи, дунё бўйлаб содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг ижросиси аксар ҳолда бевосита ислом дини ниқоби остида ҳаракат қилувчи жангарилар эканидан, биринчи навбатда ислом ва мусулмон дунёси катта зарар кўрмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисида Юртбошимиз томонидан: “Биз халқаро терроризмни ота-боболаримиздан қолган муқаддас динимиз — ислом дини билан боғлашдек хавфли ният ва уринишларни кескин қоралаймиз”¹⁵, — деб айтган сўзи ўзбек халқи, хусусан, мусулмон аҳолимининг қатъий танлаган позициясини англатади.

Ҳозирда халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш дунё давлатларини яқдилликка чорлаб, уларни бирлаштирадиган омилга айланганини инобатга олсак, жаҳон ҳамжамиятининг унга қарши мурасиз курашини Ўзбекистон ҳукумати ва халқи тўла қўллаб-қувватлайди.

Тадиқотда Ўзбекистоннинг диний мутаассибликка қарши кураши ва унинг маърифий асосларини мулоҳаза қилишда ички ва ташқи йўналишдаги сиёсати моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Ташқи сиёсат масаласи, хусусан, уч йўналишда: минтақавий, халқаро ва икки томонлама тузилган шартномалар мисолида янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Ўзбекистон ушбу таҳдидга нисбатан ташқи сиёсатидаги ташаббусларини амалга ошириш учун ички сиёсатдаги зарурий чора-тадбирларни изчил равишда амалга оширмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган давлат, жамият, шахс дахлсизлиги кафолати

¹⁴ Терроризм как судьба. Этические и социальные причины Глобального джихада Салафи // www.nationalsecurity.ru/library/00016/00016sagaman1.htm.

¹⁵ Биз учун халқимиз, ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи газетаси. 07.12.2001. — Б. 2.

бўйича халқаро ҳужжатларга мувофиқ зарурий қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг ички сиёсатида диний мутаассибликка барҳам бериш борасида тўхталганда, “Виждон эркинлиги тўғрисида”ги Қонун моҳияти алоҳида аҳамиятга молик. Зеро, эътиқод эркинлиги – миллий хавфсизлик, жамоат тартиби, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатлайди. Мазкур Қонун ҳужжати қатор халқаро пактлар, хусусан, 1966 йил 16 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги пактга мувофиқдир.

Республикаимизнинг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш сиёсатининг маърифий асослари таркибига диний ташкилотлар давлат сиёсатига асло аралашмаслиги, улар Ўзбекистон давлатининг секуляръ характерини эътироф этишлари, давлат таълим тизими дин ва диний ташкилотлар таъсиридан батамом холи бўлиши, ўз навбатида давлат – умуминсоний тамойиллар, ҳуқуқ ва қонунларга таянган ҳолда жамиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиши, барча дин ва диний ташкилотларга тенг ҳуқуқ ва ўзаро дўстона муносабатни таъминлаши кабиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ҳар бир давлат ўз мамлакатадаги диний ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда фуқаролар хавфсизлигига путур етказадиган мутаассиб ва кескин муросасиз кайфиятдаги диний ақидапарастлик ғоялари ёйилишининг олдини олишга ҳаракат қилади ва бу табиий ҳолдир. Шу сабабли, Ўзбекистон миллий хавфсизликка таҳдид солиб турган мазкур иллатга нисбатан:

- исломнинг бағрикенглик ва эзгуликка даъват этувчи таълимотидан диний мутаассибликка қарши курашда фойдаланиш;
- халқимиз онгига таъсир этишга уринаётган мутаассибликка мойил оқим ва гуруҳларга қарши ташвиқотни янада кучайтириш;
- чет эллардан диний-экстремистик руҳдаги, даъватчилик билан боғлиқ адабиётлар келтирилишига йўл қўймаслик;
- Қуръоннинг “динда мажбурлаш йўқ” деган ғоясини кенг тарғиб этиб, турли конфессиялар орасида тотувлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган аниқ тадбирларни амалий равишда ҳаётга тадбиқ этиб келмоқда.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида соҳа мутахассислари томонидан мутаассибликка асосланган диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда мустаҳкам асосга эга бўлган ғоявий-ақидавий тамойил муҳим роль ўйнаши таъкидланмоқда¹⁶. Яъни, ислом ақидавий таълимотини уни ниқоб қилган мутаассибчиликка қарши курашда фойдаланиш бениҳоя ўринлидир.

Учинчи бобнинг асосий хулосалари сифатида қуйидагиларни келтирамиз:

¹⁶ Бағлиев М.А. Политические аспекты современного исламского экстремизма (на примере Египта) // planetadisser.com/see/dis_154460.html.

1. Бугунги кунда диний мутаассиблик, экстремизм ва ундан озиқланаётган халқаро терроризм жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солиб турган глобал муаммо сифатида дунёнинг ҳар бир давлати учун улкан таҳдид манбаидир;

2. Дунё бўйлаб содир этилаётган террорчилик ҳодисаларининг 80 фоизи ислом дини номидан амалга оширилаётгани сабабли, бундан, энг аввало, ислом дини ва мусулмон дунёси зарар кўрмоқда;

3. Марказий Осиё республикаларида фаоллашган диний мутаассиб гуруҳлар ғоявий хуружларига қарши курашда ислом ақидавий таълимоти тарғиботи муҳим аҳамият касб этади;

4. Юртимиздаги диний ақидапарастлик таҳдидлари фақатгина шахс ва давлат барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб қолмай, балки минтақавий ва глобал таҳдид манбаи дея баҳолаш тўғри бўлади;

5. Диний мутаассибликка қарши кураш масалалари, демократик кадриятларга асосланган ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги мантиқий нисбатни шакллантиришда Ўзбекистон тажрибаси намуна бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Диссертация ёзиш жараёнида ўрганиб чиқилган маълумотлар ва олиб борилган таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

– ўзаро зиддият ва турли мақсадлар йўлида асосий мусулмонлар жамоаси бўлмиш, Аҳли суннадан ақидавий, фикҳий ва сиёсий омиллар сабаб ажраб чиққан фирқалар деярли барча манбаларда 72 та деб кўрсатилган. Исломда эътироф этилмаган мазкур тоифалар ҳадисларда “нотўғри йўлдан боровчи” дея огоҳлантирилган фирқалар бўлиб, Муҳаммад ва унинг саҳобалари эътиқод қилган ақида усулларида ажралган ҳамда уларга зид фаолият юритган;

– илоҳиётшунос олим ал-Бағдодийнинг “ал-Фарқ байн-ал-фирак” асари сунний илоҳиётшуносларнинг асарлари, уларнинг мактублари ҳамда ўзининг илмий мунозара ва баҳсларида қўлга киритилган маълумотлар асосида турли фирқаларнинг вужудга келишини хронологик тарзда тартиблаштирилиб, суннийлик нуқтаи назаридан уларга раддиялар берилгани билан муҳим аҳамият касб этади;

– исломдаги асосий бўлиниш ҳолатларини қуйидагича умумлаштириш мумкин: 1. Илк мусулмончиликдаги аҳолининг диний онгини ифода этувчи диний-сиёсий, ижтимоий қараш, ҳуқуқий ҳамда ахлоқий мезонлар, шубҳасиз, бугунги кунгача ислом дунёсининг умумий кадрияти ҳисобланади. 2. Ислом тарихида юз берган ғоявий-сиёсий, диний-ақидавий ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ихтилофларнинг пайдо бўлишида биринчи ўринда мазкур ҳаракатларга диний шакл берилганлиги билан изоҳланади. 3. Ислом динини эътиқод сифатида қабул қилган халқлар унинг таълимотларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиб, деярли илк исломнинг тўрт асри давомида

умуминсоний тамойиллар остида турли фикр (плюрализм)га йўл берилган. Бинобарин, исломдаги йўналиш, мазҳаб ва фирқалар ана шу даврда пайдо бўлиб, мусулмонларнинг диний бирлиги ҳам парчаланган.

– исломда дастлаб, ғоявий-сиёсий шаклдаги олий ҳокимият учун кураш, кейинчалик диний таълимот, ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга оид бир қатор масалаларда ақидавий, сўнгра фикҳий йўналишлардаги бўлинишларга сабаб бўлган фирқаларнинг ажралиб чиқиши кузатилди. Мазкур зиддиятлар, хусусан исломдаги бўлиниш ҳолатини замонавий ва қадимги фирқалар фаолияти билан таққослаб, қуйидаги ўхшаш хусусиятларни кўрсатиш мумкин: фирқа ғоясига эргашмаган ёки уни қўллаб-қувватламаган шахсларнинг “кофир” деб ҳукм қилиниши; Аҳли суннадан ажраб чиққан фирқаларнинг деярли барчаси ўз даврида мавжуд ҳокимиятга қарши чиқиб “боғий” бўлиши; ҳар бир мутаассиб фирқа Қуръони карим ва ҳадиси шариф матнларини нотўғри талқин қилиб, фирқа ғояларини қувватлашда фойдаланиши; динда “ғулув-ҳадди”дан ошиши; мусулмонлар бирлигига путур етказиш мақсадида, уларни бузук эътиқодларга бошлаши; молиявий манбаларни яратиш мақсадида узлуксиз таъминловчи ички ва ташқи манбаларни йўлга қўйиши; мақсадга эришиш борасида зарурат бўлганда қурол ишлатиш, гаровга олиш, қатл қилиш, йўлтўсарлик каби террор усулларида фойдаланиши; ҳашиш (гиёҳвандлик) моддаси ёрдамида танланган шахсни зомбилаштириш орқали яқка тартибда ҳудкуш (шаҳид)лик усулидан фойдаланиши; ўз аъзоларини мутаассиблик руҳида қайта тарбиялаш ҳамда сўзсиз итоатда бўлган аъзоларни фирқа манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари таркибига киритиши; барча даврда мутаассиб фирқалар давлатлар чегараларини тан олмаслиги, улар учун ҳамма жой “ватан” бўла олиши; ўз аъзоларини имкони борича жамиятдан ажратиши (изоляциялаш), уларни билим ва маърифатдан йироқ тутиб, динни асл ҳолига қайтариш ниқобида идеал, аслида қолоқлик жамияти барпо этишга чақириши ва ҳоказолар.

– диний мутаассиблик хатти-ҳаракатларидан ислом динини, аввало унинг ижтимоий моҳиятини ғаразли мақсадларни кўзловчи кучлардан ҳимоялаш масаласи бўйича тегишли амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ёшларни турли таассубга берилган экстремистик ва террорчи тузилмалар таъсиридан ҳимоялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини янада бойитиш, хусусан диний мутаассиб гуруҳлар ғоявий хуружларига қарши ислом ақидавий таълимоти тарғиботи мазкур муаммонинг ечиш йўлларида бири экани кўрсатиб ўтилди;

– жаҳон геосиёсий тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган юртимизни диний шиорларни ниқоб қилиб олган кимсалардан ҳимоя қилиш, асл динга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг асрий урф-одат ва анъаналарини ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Уларнинг

муваффақиятли ҳал этилиши диний мутаассибликка қарши маърифий курашнинг муҳим омиллардан бири саналади.

Айни пайтда, асрлар давомида мусулмон дунёсидаги вазият мураккаблашиб бораётгани эътиборидан, унинг вужудга келишида диний мутаассиблик, нафақат мусулмон оламига, балки бутун инсониятга таҳдид манбаи бўлиб қолмоқда. Бинобарин, мазкур мутаассиб кучлар, "...табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди"¹⁷.

Тадқиқот натижа ва хулосаларидан келиб чиқиб, қуйидаги амалий таклиф ва тавсиялар берилади:

1. Терроризм бутун дунёда тарқалган бўлиб, у ислом дини сабабли пайдо бўлаётгани йўқ. Зеро, у фақат мусулмонларга хос ҳодиса бўлмай, аксинча, бошқа дин ва маданиятларга зарар етказганидек, мусулмонларга ҳам зарар етказувчи ҳодиса эканини ёшлар онгида шакллантириш лозим.

2. Диний экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг ҳаракат стратегияси, тактикаси ҳамда молиялаштириш каналларидаги умумий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давлатлараро ҳамкорликда уларнинг фаолиятини давом эттиришга асосий сабаб бўлаётган молиявий илдизларини қирқиш, террорчиликни қувватлаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий қурол ва воситалар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга эътибор қаратиш ҳамда ҳамкорликда кураш олиб боришни янада жадаллаштириш зарурияти бор.

3. Замонавий ҳамда қадимги фирқалар фаолиятларининг ўзаро қиёсий таҳлили хулосасига кўра, диний мутаассибликка қарши курашда исломнинг ақидавий-ҳуқуқий асосларини кўрсатиб бериш ва асл манбалар асосида қўлланма ва рисоалар нашр этилишига илмий жамоатчилик эътиборини қаратиш муҳим ўрин тутди.

4. Диний мутаассиб кучлар жамиятдаги юзага келган ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятлардан гуруҳ манфаати йўлида фойдаланишга уринишлари жиҳатидан унга қарши курашда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш боғлиқ масалаларга урғу қаратиш фойдадан холи эмас.

5. Ислом аҳком ва ақидалари моҳиятини мутаассибона талқин этиб, суистеъмол қилаётган кучларга нисбатан уларнинг айнан ўзидек чуқурроқ ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш, хусусан, цивилизациялараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи илмий-назарий ва амалий тадқиқотларни янада ривожлантириш лозим.

¹⁷ Каримов И. А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 222.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов А. Ваҳҳобийликнинг Ўзбекистонга кириб келиши ва жамият ҳаётига таъсири // Қалқон. – Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 10-14.
2. Каримов А. Акромиёлар фитнаси // Қалқон. – Тошкент, 2005. – № 12. – Б. 22-25.
3. Каримов А. Акромиёлар фитнаси // Қалқон. – Тошкент, 2006. – № 1. – Б. 24-25.
4. Каримов А. Акромиёлар фитнаси // Қалқон. – Тошкент, 2006. – № 2. – Б. 28-29.
5. Каримов А. Диний ақидапарастлик – барқарорлик кушандаси // Ҳидоят. – Тошкент, 2010. – № 9. – Б. 24-28.
6. Каримов А. Глобаллашув шароитида диний мутаассибликнинг жамият ҳаётига салбий таъсири // Илм сарчашмалари. – Урганч давлат университети нашри, 2010. – № 3. – Б. 48-53.
7. Каримов А. Диний таассубга берилган фиркаларнинг тарихий илдизлари // Тошкент ислом университети илмий таҳлилий ахбороти. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – № 2. – Б. 35-39.
8. Каримов А. Жамият барқарорлигига таҳдид // Ҳидоят. – Тошкент, 2010. – № 10. – Б. 18.
9. Каримов А. Аҳмадия жамоаси ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2010. – № 4. – Б. 308-313.
10. Каримов А. Мутаассиб тузилмалар ғояларнинг тарқалиш омиллари // Ҳидоят. – Тошкент, 2011. – № 2. – Б. 20-21.
11. Каримов А. Огоҳ бўлинг: “Аҳмадия” тўри // Ватан масъулияти – муқаддас бурч. Ўқув семинар материаллари тўплами. – Тошкент: Нур полиграф, 2007. – Б. 70-78.
12. Каримов А. Нурчилик ҳаракати // Огоҳлик – тинчлик гарови. Ўқув семинар материаллари тўплами. – Тошкент: Нур полиграф, 2008. – Б. 19-24.
13. Каримов А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари, замонавий кўринишлари ва унга қарши кураш асослари: хулоса ва натижалар (Ўзбекистон мисолида) // Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДТУ, 2011. – Б. 260-263.
14. Каримов А. Террор – исломга ёт ғоя // Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги. Илмий-амалий конференция тўплами. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 22-26.
15. Каримов А. Исломшунослик манбаларида фиркалар тарихининг ўрганилиши. Диншуносликнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 254-256.

16. Каримов А. Ўзбекистонда фаолият юритаётган норасмий оқим ва гуруҳлар. Ваҳҳобийлик анъанавий ҳанафийлик мазҳабига ёт оқим // Рисола. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 40 б.
17. Каримов А. Дунёвийлик даҳрийлик эмас ёхуд “Ҳизбут-тахрир” даъволари хусусида мулоҳазалар // Рисола. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005. – 72 б.
18. Каримов А. Дин ниқобидаги юртбузарлар ёхуд “Ақромийлар” фитнаси // Рисола. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – 40 б.
19. Каримов А. Терроризмнинг глобаллашувида молиявий манбаларнинг ўрни // Рисола. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – 48 б.
20. Каримов А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари ва замонавий кўринишлари // Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005. – 62 б.
21. Каримов А., Юлдашходжаев Ҳ., Саидахмедов А., Турсунов А. Ислом маърифати: аслият ва талқин. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа. бирлашмаси, 2011. – 160 б.
22. Каримов А. “Ал-Фарқ байн-ал-фирақ” асарида фирқалар тарихининг ўрганилиши. <http://www.ziyounet.uz/uzc/library/book/37388/libid/>

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Каримов Абдуманнон Кенжабаевичнинг 24.00.01 - Диншунослик ихтисослиги бўйича “Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари, замонавий кўринишлари ва унга қарши кураш асослари (Ўзбекистон мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг

Р Е З Ю М Е С И

Таянч (энг муҳим) сўзлар: ислом, VII-XXI асрлар, ал-Бағдодий, диний мутаассиблик ва ақидапарастлик, диний экстремизм ва терроризм, фирқа, гуруҳ, ғоя, услуб, мақсад, таҳдид, мусулмон дунёси, Ўзбекистон.

Тадқиқот объектлари. Диний мутаассиб фирқаларнинг тарихи, ғоявий қарашлари, таркибий тузилиши, улар фаолиятидаги хос хусусиятлар тадқиқот объекти қилинди.

Ишнинг мақсади. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари, замонавий кўринишлари ва унга қарши курашнинг маърифий асосларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Умуминсоний ва миллий қадриятларни уйғунлаштирган мустақиллик ғоялари методологик асос қилиб олинган. Диссертация ишида цивилизацион услуб, умумлаштириш, статистик, тарихий-қиёсий, диншуносликка хос бошқа услублардан ҳам кенг фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари, турли фирқа ва оқимларнинг ғоя ва фаолият услублари атрофлича таҳлил этилди. Аҳли сунна ақидавий қарашлари асосида уларга берилган раддиялар ўрганилиб, замонавий мутаассиб гуруҳларни шаклланиши, тарқалиши, уларнинг жамият барқарорлигига хавфи ҳамда унга қарши курашнинг маърифий асослари кўрсатиб берилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқотда диний ақидапарастликнинг пайдо бўлиши, унинг ғоявий-тарихий илдизлари, улар фаолиятидаги услуб ва воситалар тадқиқи унга қарши курашда аниқ самарали натижа берувчи усулларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: мавзуга доир 15 та мақола, 2 та ўқув-қўлланма, 4 та рисола, “ZiyoNET” интернет-порталида 1 та мақола чоп этилди.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижаларидан унга қарши курашда аниқ самарали натижа берувчи усулларни ишлаб чиқиш билан бирга, кенг жамоатчилик, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига хизматда фойдаланиш учун амалий қўлланма сифатида истеъфода этиш мумкин. Шу билан бирга, “Диншунослик”, “Исломшунослик”, “Ислом тарихи ва манбашунослиги”, “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий асослари” фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма ҳамда махсус курсларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Резюме

диссертации Каримова Абдуманнона Кенжабаевича на тему «Исторические корни религиозного фанатизма, его проявления в современном мире и основы борьбы с ним (на примере Узбекистана)» на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 24.00.01 - Религиоведение

Ключевые слова: ислам, VII-XXI вв., аль-Багдади, религиозный фанатизм, религиозный экстремизм и терроризм, течения, группа, идея, метод, угроза, цель, мусульманский мир, Узбекистан.

Объект исследования: история религиозных фанатических течений, их идейные взгляды, структурное строение и особенности их деятельности.

Цель работы: исследование исторических истоков религиозного фанатизма, его современных проявлений, а также духовных основ борьбы с ним.

Методы исследования: за основу взята методология идей общечеловеческих, национальных и духовных ценностей, идей национального становления и независимости. В работе применяются методы обобщения, статистики, исторического разреза, религиоведения и другие.

Полученные результаты и их новизна: Становление и распространение современных форм религиозного фанатизма, их угроза общественному благополучию и изучение духовных основ борьбы с ними.

Практическая значимость: исследование может быть использовано в изучении истории возникновения экстремистских течений и группировок, исторических и политических последствий их деятельности, а также в разработке результативных методов борьбы с ними.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по данной теме опубликовано 15 статей, 2 методических пособия, 4 тезиса и 1 статья в интернет-портале «ZiyoNet».

Область применения: разработка результативных методов борьбы с деятельностью изученных течений и группировок, а также для использования широкой общественностью, в частности, сотрудниками и работниками правозащитных учреждений. Может использоваться как учебное, методическое пособие в преподавании учебных предметов «Религиоведение», «Исламоведение», «История ислама и источниковедение», «Духовные основы борьбы с религиозным экстремизмом и терроризмом» и в других специализированных учебных курсах.

RESUME

The thesis of Abdumannon K. Karimov for the scientific degree, the Doctor of Historical sciences in a specialty 24.00.01 – Religious studies.

Subject: "Historical roots of religious fanaticism, its display in the modern world and bases of struggle from it on an example of Uzbekistan".

Key words: Islam, the 7th-21st centuries, Al-Baghdadi, religious fanaticism, religious extremism and terrorism, party, group, idea, method, purpose, threat, the Muslim world, Uzbekistan.

Subject of the research: the history of religious canonical parties, their ideas, structural organization and specific features of their activities.

Aim of the work: research into the historical sources of religious fanaticism, its modern manifestations as well as the moral bases of fighting it.

Method of research: The methodology of ideas of universal, national and moral values, ideas of national development and independence are accepted as the basis. The methods of generalization, statistics, historical section, study of religions, etc. are used in the work.

The result achieved and their novelty: Development and spread of forms of religious fanaticism, their threat to public welfare and study of fundamentals of fighting them.

Practical value: the research can be used for study of the history of emergence of extremist trends and groups, the historic and political implications of their activities as well as for development of effective methods of fighting them.

Degree of embed and economic effectiveness: 15 articles, 2 methodical textbooks, 4 theses were published and 1 article posted to Ziyonet Internet portal.

Field of application: development of effective methods of fighting against the activities of the researched trends and groups as well as use by the broad public, for instance by the employees of law-enforcement bodies. It can be used as teaching methodical textbook for teaching education subjects such as "Study of Religions", "Study of Islam", "The History of Islam and Source Studies", "The Moral Fundamentals of Fighting Religious Extremism and Terrorism" and in other specialized education courses.